

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**


ЕР РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШ ФАКУЛЬТЕТИ

**ТУПРОҚНИНГ ШЎРЛАНИШ ДАРАЖАСИ ФАРҒОНА
ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА**

Тақдимотчилар: Иноятова М.М. – магистрант 1-курс., Эшқобилов
Н.Ю – магистрант 1-курс., Абдуқодиров Ш.И., Дадабоева А.Х – талаба
4-курс.

РАҲБАР: ИСЛОМОВ Ў.П.

Тошкент – 2020 йил



► **Аннотация.**

- Мақолада Фарғона вилояти массивларнинг турли даражада шўрланган майдонлари акс эттирилган жадвал ва диаграммалар ва шўрланган тупроқларнинг умумий, шу жумладан биринчи навбатда шўрсизлантириш тадбирларига муҳтож ўртача ва кучли шўрланган ерлар майдонлари, суғориладиган шўрланган ерларни мелиоратив-экологик ҳолати ва унумдорлигини оширишга қаратилган агромелиоратив тадбирлар комплекси ҳамда шўр ювиш нормалари, муддатлари ва сони бўйича тавсиялар келтирилган.
- **Калит сўзлар:** Кишлоқ хўжалиги суғориладиган ерлари, тупроқ шўрланишлари, шўрланмаган, кучли-кучсиз ва ўрта шўрланган тупроқлар, мелиоратив-экологик ҳолати ва унумдорлигини ошириш.

Фойдаланилган адабиётлар.

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Миромоновичнинг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” Тошкент “Адолат” 2017 йил.
- Миллий ҳисобот 2018 йил
- Ўзбекистон Республикаси тупроқ ресурсларидан самарали фойдаланиш, тупроқлар унумдорлигини сақлаш, қайта тиклаш ва ошириш Концепцияси 2015 йил

Интернет сайдлари.

- www.ziyonet.uz.
- www.google.uz.
- www.lex.uz.
- www.Wikipedia.uz.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралда қабул қилинган ПФ-4947-сонли фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” ҳамда 2017 йил 27 ноябрдаги “2018-2019 йиллар даврида ирригацияни ривожлантириш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3405-сонли қарорларига биноан, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш масалалари асосий вазифалардан қилиб белгиланган.[1]

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 19 апрелдаги “2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1958-сонли, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 24 февралдаги 39-сонли “2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича давлат дастурининг сўзсиз бажарилишини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш чоралари белгиланди ва шу асосда бир қатор ишлар олиб борилган. [3]

2017 йилда Фарғона вилоятида олиб борилган дала-тадқиқот ишлари натижалари бўйича тупроқ мелиоратив ҳолатининг ёмонлашувига ва унумдорлигининг пасайишига сабаб бўлувчи шўрланиш жараёнлари суғориладиган тупроқларнинг 61,2% ёки 104168,4 гектар ерни ташкил этди.


Измерение точек сети R10_506-R10_507

Стереопары Точки Ориентирование Настройки



1:27 M
 5960.389 6190.626
 -7.842 -12.367
 1:1 M S

1:27 M
 2213.983 6201.044
 71.408 -12.081
 1:1 M S



Имя	Тип	L	R	Корр.	Пар.
*21	Связующая	+	+	0.980	-0.011
*22	Связующая	+	+	0.979	0.005
*23	Связующая	+	+	0.952	-0.005
*24	Связующая	+	+	0.916	0.002


Поиск точки

Фарғона вилоятининг Бувайдатуманида шўрланган ерлар 12459,0 гектар ёки 71,5% ни, Фурқат туманида 10770,5 гектар ёки 70,7%ни, Қўштепа туманида 15264,5 гектар ерни 69,0 ни, Данғара туманида 13036,5 гектар ёки 68,5%, Ёзёвон туманида 11846,0 гектарни 67,3% ни ташкил қилди. Вилоят тупроқлари турли даражада шўрланган. Бу туман тупроқлари мелиоратив ҳолати қониқарсиз ерлар жумласига киради. [2,3]


Шўрланмаган ва кучсиз шўрланган тупроқлар вилоят суғориладиган ерларининг

124636,0 гектарини 73,2% ини ташкил этди. Шўрланмаган ва кучсиз шўрланган тупроқларнинг вилоят бўйича энг катта ҳиссаси Тошлоқ туманида 12178,9 гектар 82,9 %, Бешариқ туманида 20579,15 гектар 81,2%, Учкўприк туманида 13691,6 гектар 79,8%, Бувайда туманида 12953,3 гектар 74,3%, Фурқат туманида 11144,33 гектар 73,2% тарқалган. Шўрланмаган ва кучсиз шўрланган ерларнинг нисбатан кам ҳиссаси Данғаратуманида 12832,9 гектар 67,5%, Қўштепа туманида 13990,9 гектар 63,25% ва Ёзёвон туманида 11808,5 гектар 67,0% тарқалган. Ўртача шўрланган тупроқлар вилоятда 38407,7 гектарни ташкил этиб, бу вилоят суғориладиган ерларининг 22,56 % ни ташкил этади. Ўртача шўрланган тупроқлар вилоятнинг барча туманларида тарқалган. Шўрланиш типи асосан хлорид-сульфатли ва сульфатли. Ўртача даражадаги шўрланиш вилоятнинг Қўштепа туманида 35,3% ёки 7808,0 гектар, Ёзёвон туманида 31,2 % ёки 5500,2 гектар тарқалган. Ўртача шўрланган тупроқларнинг нисбатан энг кичик ҳиссаси Учкўприк туманида 1732,2 гектар 10,1% ва Бешариқ туманида 3388,8 гектар 13,4 % аниқланган. (1 ва 2 расмлар).[2]

Расм-1. Фарғона вилояти суғориладиган қишлоқ хўжалик ерларининг шўрланиш даражаси бўйича тақсимланиши. (фоиз ҳисобида)



Расм-2. Фарғона вилояти суғориладиган ерларининг шўрланиш даражаси бўйича майдони. (га хисобида)



Космисдан олинган суратлар





Кучли ва жуда кучли шўрланган тупроқлар вилоятда 7174,6 гектарни ташкил этиб, вилоят суғориладиган ерларининг 4,2 % ни ташкил этади. Шўрланиш типи сульфат-хлоридли ва хлоридли. Кучли ва жуда кучли шўрланган тупроқларнинг вилоят бўйича Учкўприк туманида энг 1742,2 гектар 10,1%, Данғара туманида 1354,3 гектар 7,1%га тенг. Бешариқ тумани бўйича 1340,0 гектар -5,3%. Бағдод тумани бўйича 800,1 гектар 3,7 % Бувайда тумани бўйича 639,0 гектар 3,6%, Фурқат тумани бўйича 437,7 гектар 2,9%. Қўштепа, Тошлоқ ва Ёзёвон туманлари тупроқлари кучли ва жуда кучли шўрланишга нисбатан кам даражада учраган 1,5 % дан 1,7% гача.

Хулоса қилиб айтганда Республикамизда қишлоқ хўжалиги ерларидан оқилона ва самарали фойдаланиш, ерга оид масалаларни ҳал этишда ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратишни кенгайтириш имкониятлари омилларини ривожлантириш самарадорлигини таъминлашга боғлиқдир.

**E'TIBORINGIZ UCHUN
RAHMAT!**

